

**Содиков Зокир Рустамович,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
«Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат  
туризми» кафедраси мудири, иқтисод  
фанлари номзоди, доцент

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ВА ЖАҲОН БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВНИНГ АСОСИ

УДК: 334.021.1: 338.2

## **СОДИКОВ З.Р. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР - ТАРАҚҚИЁТ ВА ЖАҲОН БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВНИНГ АСОСИ**

Мақолада Ўзбекистон учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос ютуқлари мавжудлиги, улар замонавий технологик ускуналарни импорт қилишда, илғор усуllibарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаларини жорий этишда, нуфузли трансмиллий компанияларнинг савдо белгилари, нау-хаулари, маркетинг тадқиқотлари ва маҳсулот экспортини ошириш борасидаги тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган.

Инвестиция билан турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келиши ва тадбиркорлик жадал ривожланиши асосланган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, инвестиция, савдо, тараққиёт, экспорт, импорт, интеграция, модернизация, глобаллашув, диверсификация, маркетинг, эркинлаштириш, тадбиркорлик.

## **СОДИКОВ З.Р. ИНОСТРАННЫЕ ИНВЕСТИЦИИ КАК ОСНОВА ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ И ИНТЕГРАЦИИ В МИРОВОЙ РЫНОК**

В статье обосновано, что основным фактором, стоящим за текущими успехами правительства Узбекистана, являются инвестиции, а привлечение активных прямых иностранных инвестиций является одним из приоритетов. Показано, что существуют конкретные достижения по привлечению прямых иностранных инвестиций, в том числе импорт современного технологического оборудования, внедрение передовых методов производства и практики управления, товарных знаков авторитетных транснациональных компаний, маркетинговые исследования и зарубежный опыт по увеличению экспорта продукции.

Обосновано, что вместе с зарубежными инвестициями в отрасли и сферы экономики, регионы получают новые технологии, передовой опыт, высококвалифицированных специалистов и как результат быстрое развития предпринимательства.

Ключевые слова: экономика, инвестиции, торговля, прогресс, экспорт, импорт, интеграция, модернизация, глобализация, диверсификация, маркетинг, либерализация, предпринимательство.

## **SODIKOV Z.R. FOREIGN INVESTMENTS AS A BASIS FOR THE DEVELOPMENT AND THE INTEGRATION TO THE WORLD MARKET**

The article states the possible achievements that can be gained by the FDI inflows and shows the opportunities of taking the advantages of new technologies and equipments imported, innovative methods of production and operational management, using trademarks of transnational companies, know-how, their marketing researches, the experience of export promotions as well.

The article proves the impact of the FDI on development of entrepreneurship, the immigration of qualified specialists and new technologies into national economy and its sectors.

Keywords: economy, investment, trade, development, export, import, integration, modernization, globalization, diversification, marketing, liberalization, entrepreneurship.

**Кириш.** Бугунги кунда мамлакатимизда туб ислоҳотлар фаол ва жадал тарзда амалга оширилмоқда. Бундан асосий мақсад миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишdir. Бунинг учун миллий ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва экспорт таркибини диверсификация қилиш орқали салоҳиятни ошириш талаб этилади. Мазкур натижага эришиш учун миллий бандлик даражасини ошириш, замонавий талабларга мос келадиган ҳамда халқаро бозорда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга шароит яратиш ва илғор технологияни жорий этиш заруриятга айланади.

Агар кўзда тутилган вазифалар бажарилса, мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги ортиши ҳисобига яратиладиган қиймат ҳажми кўпаяди ва экспорт миқдори ортади ҳамда ташқи савдо бўйича шерик давлатлар кўпаяди ёки Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан савдо алоқалари мустаҳкамланади. Фақат буларни таъминлаш хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва белгиланган мақсадлар учун йўналтиришни вазифа сифатида кўндаланг қўяди. Чунки шу хорижий инвестициялар асосида янги иш ўринлари яратилади ва сифатли халқаро стандартларга мос келадиган маҳсулотлар тайёрланади. Натижада миллий иқтисодиётнинг савдо бўйича ҳам, инвестициялар бўйича ҳам жаҳон бозорига интеграциялашуви мустаҳкамланади.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Жаҳондаги тараққий этган давлатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш борасидаги муваффақияти ва эришган ютуқлари миллий иқтисодиётга инвестиция киритишнинг аҳамиятини ҳар томонлама исботлайди. Зоро, бозор тамойилларига биноан кишилар эҳтиёжи чексиз ва уни таъминлаш учун мунтазам равишда ишлаб чиқаришни кенгайтирилган шаклда ташкил этиш ва товар таркибини диверсификация қилиб бориш табиий қонунияят ҳисобланади. Бунинг учун ўз-ўзидан узлуксиз

равишда инвестиция қилиш долзарб эканлиги келиб чиқади. Ҳозирги кунда бу борада нафақат ички, балки хорижий инвестицияларни ўзлаштириш жаҳон амалиётида кенг оммалашган бўлиб, жумладан, Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда фаол сиёsat юритиб келинмоқда. Чунки хорижий инвестициялар иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассисларнинг кириб келиши ва тадбиркорликнинг жадал ривожланишига замин ҳозирлаш билан бир қаторда миллий экспорт салоҳиятини кучайтиришга асос бўлади. Шу боис, хорижий инвестицияларнинг иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва жаҳон бозорига интеграциялашувни мустаҳкамланадиги ролини Ўзбекистон нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

**Муаммонинг қўйилиши.** Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш орқали ривожлантириш ва экспортни диверсификациялаш натижасида жаҳон бозорига кенгроқ кириб бориш учун илғор технологияларга ва замонавий асбоб скуналарга эҳтиёж мавжуд бўлиб, уларни таъминлашнинг энг самарали йўли хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор муносабатларини чуқурлаштириш авж олган даврда чет эл инвестициларига эҳтиёж мутасил ортиб боради ҳамда у инвестицияларни жойлаштириш жараёнини такомилаштириш мақсадида мунтазам равишда тадқиқ қилиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади.** Глобаллашув шароитида ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантириб аҳоли фаровонлигини оширишни устувор вазифа сифатида қабул қиласар экан, бунинг учун бир томондан ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технология билан жиҳозлаши, иккинчи томондан шу асосда экспортга чиқарилаётган товарлар таркибини диверсификация қилиши талаб этити

лади. Бу эса айнан хорижий инвестицияларни ўзлаштиришга ҳамда уларни тармоқ ва соҳаларга самарали жойлаштиришга таянади. Шу боис, тадқиқотда ўзлаштирилаётган хорижий инвестицияларнинг кўзда тутилган мақсад, миллий иқтисодиётнинг тараққиёти ва жаҳон бозорига интеграциялашувига асосланганлигини кўрсатиб беришдан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Илмий абстракция, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил ва бошқа методлардан фойдаланилди.

**Асосий натижалар.** Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga таянган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, узоқ муддатли стратегик мақсадларга эришиш ва халқаро иқтисодий тизимда мустаҳкам мавқега эга бўлиш учун кенг кўламли чуқур ўзгаришлар ва ижтимоий-иктисодий тизимни муттасил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни таркибий такомиллаштириш, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнлари барқарор ривожлантирилиб келинмоқда. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизнинг салмоқли ютуқ ва натижаларга эришишида самарали ижтимоий-иктисодий ривожланиш сиёсатининг мақбуллиги ва изчил амалга оширилиши асос бўлмоқда. Айниқса, бу борада муттасил белгиланаётган ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ва муҳим дастурлар алоҳида ўрин тутмоқда. Мустақил тараққиёт йиллари давомида асосий ёътибор ва саъӣ-ҳаракатлар яқдил мақсад сари йўналтирилиб, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиша иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларининг белгиланиши муваффақиятлар учун замин яратмоқда. Моҳияттан ислоҳотларни чуқурлаштириш, миллий хўжаликни янгилаш ва модернизация қилиш асосида иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатлари, самараси ва макроиктисодий мувозанатини таъминлаш орқали тараққиётнинг асосий мақсадига эришилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан иқтисодий ислоҳотлар стратегияси белгиланиб, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган тизимни барпо қилиш ва аҳоли фаронлитини ошириш борасида олиб борилган ишлар бугунги кунда ўзининг самарасини бермоқда. Айни пайтда, бу ислоҳотларнинг натижаси жаҳондаги аксарият мамлакатлар миллий хўжаликларига жиддий талофатлар келтириб, беқарор-

лаштирган глобал молиявий инқироз вазиятида ҳам ўзининг аҳамиятини кўрсатган. Чунки, жаҳонда рўй берган шундай мураккаб ва оғир жараёнлардан мамлакатимизни ўзига хос натижалар ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имкониятига эга бўлиши, юритилаётган ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Давлатимиз томонидан узлуксиз равиша амалга оширилиб келинаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар натижасида эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг таянч омили инвестициялар ва шу орқали миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатимизда нафақат хорижий инвестициялар, балки тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизнинг ривожланишини янада мустаҳкамлаш борасида ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан тасдиқланган ҳужжатда «халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш» [1, 16-б.] белгилаб қўйилган.

Зоро, хорижий инвестицияларнинг вазифаси миллий жамғармалар етарсиз бўлганда бу инвестиция эҳтиёжини таъминлаш ва ишлаб чиқариш кувватларини технологик жиҳатдан янгилаш билан чекланиб қолмайди. Балки, мамлакатлар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос ютуқлари мавжуд бўлиб, улар замонавий технологик ускуналарни импорт қилишда, ишлаб чиқаришни илфор усуулларда ташкил этиш ва бошқариш тажрибаларини жорий этишда, нуфузли трансмиллий компанияларнинг савдо белгилари, нау-хаулари, маркетинг тадқиқотлари ва маҳсулот экспортини ошириш борасидаги тажрибалардан фойдаланиш каби ҳолатларда юзага чиқади [4, 295-302-б.]. Чунки замонавий ишлаб чиқаришнинг бундай ютуқлари ва муваффақиятлари ҳеч қачон жаҳон бозорларида сотилмайди, шу боис уларни асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали қўлга киритиш имконияти мавжуд.

Ана шу ўзига хос муҳим жиҳатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси

давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган... Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илфор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади» [2, 8-6.], деб алоҳида урғу бериб ўтган. Қолаверса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги кунда миллий иқтисодиётларни модернизация қилиш ва ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини кучайтиришнинг асосий омили бўлмоқда. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзига хос ютуклиридан яна бир фаолияти трансмиллий компаниялар билан боғлиқ бўлмаган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳам хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятидан ўзига тегишили даромад олиш имкониятига эга бўлади. Мамлакатда бизнесменлар билан истеъмолчилар занжирида миллий ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ўзаро алоқалари қанчалик ривожланган бўлса, улар билан ўзаро рақобатдан маҳаллий корхоналарнинг қўшимча ютуққа эришиш имконияти шу даражада юқори бўлади [5, 155-170-6.].

Бундан ташқари, бундай натижалар қолган маҳаллий корхоналарга ҳам тез суръатларда оммавийлашади. Айни пайтда хорижлик тадбиркорлар ўз маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш учун филиалларида ва эҳтиёт қисмларни етказиб берадиган маҳаллий корхоналарда интеграциялашган ишлаб чиқариш жараёнлари ва уларга ёндош ишлаб чиқариш турлари бўйича ҳам жадал ривожлантириш фаолиятларини амалга оширадилар. Бу жараён бевосита маҳаллий корхоналарнинг рақобат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва экспортини кенгайтиришга таъсир кўрсатади. Маҳаллий корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар экспортининг ортиши нафақат мамлакатга, балки корхоналарга ҳам катта манфаат келтиради ва миллий тадбиркорлар фаолиятининг жадал суръатларда ривожланишига замин яратади.

Миллий истиқлол йилларида ички ва ташқи инвестицияларни ўзлаштириш борасида эришилган муваффақият ва натижалар мамлакатимиздаги инвестиция мұхитининг муттасил яхшиланаётгани учун миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни узлуксиз давом эттириш имконияти ортиб бораётганидан дарак беради. Чунки жаҳон молиявий инқирози шароитида ҳам инвестиция-

ларни ўзлаштиришда қўшимча ўсиш қайд қилинган, энг муҳими ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри инвестициялардан иборат бўлиб келмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзига хос афзаллуклари мавжуд бўлиб, улардан бири узоқ муддатли характерга эгалигида акс этади ва бу мамлакатдан қисқа муддатли капиталларнинг қиқиши ёки кириб келиши сингари ҳолатларни, яъни мазкур жараёнда бекарор вазиятнинг юзага қиқишига имконият бермайди [5, 172-186-6.]. Мазкур ҳолат глобаллашув жараёни чуқурлашаётган шароитда макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга муҳим аҳамият касб этади. Иккинчиси, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташқи тўлов бўйича мажбуриятларни келтириб чиқармайди ва шунинг учун ташқи қарз муаммосининг авж олиши сингари муаммо вужудга келмайди.

Бу имкониятлар миллий иқтисодиётни замонавий технологиялар асосида ривожлантиришда ва модернизациялашда муҳим ҳисобланади. Лекин тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш уларни қабул қилаётган мамлакатларга фақат наф келтиради, деган холосага бориш имконсиз ҳисобланади. Чунки инвестиция қабул қилаётган мамлакат билан чет эллик тадбиркорларнинг ўзаро манфаатлари ҳар доим ҳам бирбирига мос келиши қийин. Шунинг учун жалб этилаётган чет эл сармояларини инвестицион лойиҳалар ва муҳим дастурлар асосида ўзлаштириш орқали уларнинг мақсадли йўналтириш ҳамда иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссасини янада ошириб бориш талаб этилади. Бу борада эришилаётган вазиятларга назар солинганда, 2017 йилда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ялпички маҳсулотга нисбатан улуши 26,9 %ни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 2,8% пунктга кўпайган, хусусан, бу нисбат 1991 йил 18,8%, 2000 йилда 22,9%, 2005 йилда 19,9 %, 2010 йилда 24,6 % ва 2015 йилда 24,3 %га teng бўлган [6, 163-171-6.]. Мазкур кўрсаткичларни мутлақ қиймат бўйича олдинги йиллар билан таққослайдиган бўлсак, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ҳажми 2000 йилда 105,2 млн. АҚШ доллари ёки асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг 3,4 %ини, 2005 йилда 422,6 млн АҚШ доллари ёки 14,9 %ини, 2010 йилда 2454,7 млн АҚШ доллари ёки 24,6 %ини, 2015 йилда 2387,6 млн. АҚШ доллари ёки 14,7 %ини ташкил этганини кўриш мумкин [3, 387-408-6.].

Асосий капиталга йўналтирилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 3348,2 млн. АҚШ доллари ёки ўтган йилга нисбатан 134,9%га teng бўлган ва у жами асосий капиталга нисбатан 25,1 %ни ташкил этган [6, 163-171-6]. Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2017 йилда 6,7 %ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,4 % пунктга ортган. Қулай инвестиция мухитини шакллантириш ва уларни кенг жалб қилиш мақсадида олиб борилаётган қатор ислоҳотлар натижасида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 2493,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 44,9 %га кўпайган ва жами инвестициядаги улуши 18,7 %ни ташкил этган [6, 163-171-6]. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни самарали ўзлаштиришга ижобий таъсир кўрсатаётган қатор омиллар мавжуд бўлиб, улар жумласига, мамлакатимизнинг табиий-иктисодий ресурсларга бойлиги, ишчи кучи ва малакали мутахассис кадрларнинг мавжудлиги, миллый бозорнинг истиқболлилиги, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг таъминлангани, қулай ҳуқуқий-меъёрий асоснинг яратилгани ҳамда ушбу жараён давлат томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганлигини асос сифатида келтириш мумкин.

Миллый иқтисодиётнинг барқарор ва самарали фаолиятини мустаҳкамлаш, уни жаҳондаги ривожланган етакчи мамлакатлар тараққиёти даражасига юксалтириш, халқаро сиёсий ва иқтисодий ўзлаштишлар жараёнида фаол иштирокчига айланнишини таъминлаш, шунингдек, жаҳон бозори конъюктурасидаги тебранишлар ва турли инқизор шароитларига нисбатан чидамлилиги, мустақил ривожланиш салоҳиятига эришиши миллий ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислоҳотлар ва уларнинг самарали натижаларига таяниши табиий. Мазкур асослар мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширилган ишларини сарҳисоб қилиш, уларни баҳолаш ва ислоҳотларни такомиллаштириш, замонавий талаблардан келиб чиқиб, мамлакатимизни модернизация қилиш борасидаги ҳаракатларни мунтазам кучайтириш, янги, юқори босқичларга юксалтириш истиқболли аҳамиятни касб этади.

Миллый ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ташқи савдони диверсификация қилиш бевосита ижтимоий-иктисодий тизимнинг барча

тармоқ ва соҳаларида ўзлаштишлар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис, иқтисодиётнинг барча соҳа ва жабҳаларида чуқур ислоҳотларни олиб бориш орқали янгиланиш жараёнларини амалга оширишда узвийлик ва мақбул мувозанатни таъминлашга эришиш учун айнан модернизациялашда хорижий сармоялардан самарали истеъфода қилиш зарур. Чунки, миллый иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида модернизация қилиш жараёнлари иштирокчилар ва уларни амалга оширувчиларни ислоҳотлардаги фаоллигини кучайтиришни тақозо қиласди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар ва улардан истиқболда кўзда тутилган мақсадлар улкан аҳамиятга эга бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида «бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рӯёбга чиқаришни тақозо этаётгани» [1, 3-4-6.] белгилаб берилган.

**Хуолоса ва таклифлар.** Миллый иқтисодиётнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши ва халқаро иқтисодий тизимга самарали интеграциялашувини таъминлашга омил бўлувчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни янада жадал ва кенг кўламда ўзлаштиришни муттасил ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, бу борада ютуқларни янада ошириш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган ва миллый иқтисодиёт ривожланиши учун етакчи бўладиган истеъмол моллари, инвестицион товарлар ишлаб чиқардиган тармоқларни белгилаб, ўзлаштирилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни устувор йўналиш сифатида уларга жойлаштириш лозим. Айни пайтда бу тармоқлар олдига товарларнинг айрим турлари бўйича муайян муддатда ички бозорни тўлиқ таъминлаш ва сўнгра жаҳон бозорига уларнинг экспортини амалга ошириш мажбурияти белгилаб қўйилиши керак. Шунга мувофиқ тарзда, бизнесменларга имтиёз бериш ва қўллаб-қувватлаш механизми яратилиши фойдаладан ҳоли бўлмайди.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони (2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон) – Т.: «Адолат», 2018. –112-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Муроҷаатномаси. – Т.: «Ўзбекистон», 2019.
3. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хаджибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: «Baktria», 2015.
4. Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. - Ч. I. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие для вузов. - М.: «Международные отношения», 1997.
5. Paul R. Krugman, Maurice Obstfeld, Marc J. Melitz. International economics: theory & policy. USA. Boylston Street, Boston, MA. p. 702.
6. Stat.uz. «O'zbekiston raqamlarda» статистик тўпламлари 2015, 2016, 2017, 2018, ЎзР давлат статистика қўмитаси.